



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2016 йил 11 ноябрь, № 223 (6658) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Фракция йиғилишида парламент назоратини амалга ошириш бўйича вазифалар белгилаб олинди

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни фракция раҳбари Хатамжон Кетмонов олиб борди.

Тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ходимлари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 28 октябрда тасдиқланган 2017 йилги аҳоли бандлиги дастури ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш масалалари муҳокама этилди.

Маълумки, иш ўринлари ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим устуворликларидан бири, халқимиз турмуш даражаси ва сифатини оширишнинг зарур шартидир. Шу муносабат билан ҳар йили аҳоли бандлиги дастурини тасдиқлаш ҳамда унинг ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш амалиёти Қонунчилик палатаси фаолиятида кенг қўлланилмоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Халқ демократик партияси меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлиги дара-

жасини оширишни ўзининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган бўлиб, мамлакатда мақсадли давлат дастурлари асосида иш ўринларини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган изчил чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бинобарин, ушбу тадбирлар ишлаб чиқарилаётган ЯИМ ўсишининг муҳим омилли бўлиб, ички бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдиришга, уларнинг экспортда рақобатдошлигини оширишга хизмат қилади, деб ҳисоблайди.

Йиғилишда таъкидланганидек, 2017 йилга мўлжалланган дастур параметрлари олдинги йиллардагига нисбатан мақбуллаштирилган бўлиб, бунда ҳудудлар ва қорхоналарнинг реал имкониятлари ҳисобга олинган. Жумладан, туман ва шаҳарларда кичик саноат ҳудудларини ташкил этиш, қурилиш ҳамда инфратузилмни ривожлантириш ҳисобига иш ўринларини яратиш йўналишлари кенгайтирилди.

(Давоми 3-бетда).

КИЧИК БИЗНЕС РАВНАҚИ

аҳоли бандлиги ҳамда турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади



ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Республикамизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жадал тараққий этмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, республикамиз янги ички маҳсулотиди соҳа вакилларининг улуши 54,6 фоизни ташкил қилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Дарҳақиқат, юртимизда шу давр ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 12,6 трил-

лион сўмлик кредитлар ажратилгани, пировардида 23,6 мингдан зиёд янги қувватлар ишга туширилгани туяйли улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар тури кўпайиб, аҳоли бандлиги ҳамда турмуш фаровонлиги ошиб бораётди. Айниқса, тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ,

тақдим қилинаётган имтиёз ҳамда имкониятлар ишбилармонларимизни янги марралар сари чорламоқда.

Таъкидлаш жоизки, уларнинг эркин ва самарали фаолият юритишида, аввало, бу борада мустақкам ҳуқуқий асос яратилгани, қолаверса, мунтазам равишда ўтказиб келинаётган миллий ҳамда халқаро тадбирларнинг аҳамияти катта бўлапти.

(Давоми 3-бетда).

4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ

Сайловолди ташвиқоти доирасида бугунги сонда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг Сайловолди дастурини ташвиқот қилиш бўйича Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сайлов штаблари фаолияти ҳақида материал чоп этилмоқда. Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

2-саҳифага қаранг.

ШХТ кузатувчилар миссиясини юборишга тайёргарлик кўрмоқда

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг котибиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловиغا бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда ташкилот Бош котиби Р. Алимов, ШХТга аъзо давлатлар доимий вакиллари, Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар ва Тижорат вазирликлари масъул ходимлари, ушбу мамлакатнинг жамоат, сиёсат ва эксперт доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Р. Алимов Ўзбекистон кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, хавфсизликни таъминлаш, ШХТнинг халқаро майдондаги нуфузини мустақкамлашга муҳим ўрин тутганини ҳамда бўлажак Президент сайлови ШХТга аъзо мамлакатлар учун катта аҳамият касб этишини таъкидлади.

Давра суҳбатида Президент сайловига тайёргарлик жараёни, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши учун умумэтироф этилган

демократик андозалар асосида яратилган ташкилий-ҳуқуқий шароитлар атрофлича таъминлаш, ШХТнинг халқаро майдондаги нуфузини мустақкамлашга муҳим ўрин тутганини ҳамда бўлажак Президент сайлови ШХТга аъзо мамлакатлар учун катта аҳамият касб этишини таъкидлади. Давра суҳбатида Президент сайловига тайёргарлик жараёни, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши учун умумэтироф этилган

(Давоми 3-бетда).

САЙЛОВ — 2016

Сарвар Отамуратовнинг Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашуви

10 ноябрь куни Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Онлайн видеоконференция орқали мулоқот тарзида ташкил этилган тадбирда вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари сайловчилари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, хотин-қизлар, ёшлар қамраб олинди.

Номзоднинг ишончли вакили С. Ҳамроев йиғилганлари Сарвар Отамуратовнинг таржимаи ҳоли билан таништирди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов Сайловолди дастурининг асосий йўналишлари хусусида нутқ сўзлади. Жумладан, номзод "Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ" тамойили асосида тарихимизни ҳолис ва тизимли ўрганиш, бу борада халқимизнинг ўтмиши ҳамда бугунги кунини баҳолашда бир ёқлама ёндашувларга, ноҳолисликка йўл қўймаслик лозимлиги ҳақида тўхтади.

Номзод ўз дастури орқали маданий мерос объектларини тўлиқ хатловдан ўтказиш, уни асраб-авайлаш борасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратиб, бу ҳолат Бухоро вилояти учун ҳам долзарб аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтди. Булар юртимизда улкан салоҳиятга эга туризм индустриясини ривожлантириш, кўшимча иш ўринлари яратиш, иқтисодий фаол аҳолининг бандлигини ошириш, турмуш фаровонлигини юксалтириш ҳамда инфратузилмни раванқ топтириш имконини беради.

Учрашувда номзод тўпланганлар эътиборини ёшлар тарбияси, навиқрон авлод вакилларини зарарли говий таъсирлардан

асраш масаласига қаратди. Бунда санъат, жумладан, театрнинг ўрни ҳақида атрофлича сўз юритди. Аҳолида эрта никоҳга нисбатан муросасизлик туйғусини шакллантириш, миллат генофондини асраш ва соғлом авлодни вояга етказиш, бу йўналишда аниқ ва таъсирчан чоралар кўриш, оила ва оилавий қадриятларни мустақкамлаш, ёш оилаларга гамхўрликни ошириш бўйича кенг қўламли ишларни изчил давом эттириш мақсадида қонунчилигимизни янада такомиллаштириш ҳаётий зарурат эканлиги айтиб ўтди.

Шунингдек, ёшларнинг маънавий қамолотини юксалтириш билан бир қаторда, уларнинг жисмонан етуқлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлигига тўхталиб ўтилди. "Фарзандлари соғлом ва баркамол юрт қудратли бўлур" шиори остида мамлакатимизда умуммиллий вазифага айланган болалар спортини ҳар томонлама ривожлантириш лозимлиги таъкидланди.

Бухоро давлат университети ректори А. Тўлаганов, "Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашуви" миссиясини юборишга ҳамда улкан намоеён бўлмоқда. Улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳару қишлоқлар қиёфаси бутунлай ўзгариб бораётди. Янги завод ва қорхоналар, инфратузилма объектлари, замонавий уй-жойлар барпо этилмоқда.

Маҳаллийлаштириш ҳамда Инвестиция дастурлари доирасида кўлаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилаётди. Кўнгирот сода заводи, дунёдаги энг йирик лойиҳалардан бири — Устюрт газ-кимё мажмуаси мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутмоқда. Сурғил қони негизда бунёд этилган Устюрт газ-кимё мажмуаси Биринчи Президентимиз Ислам Каримов тасдиқлаган мамлакатимиз сано-

Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари билан учрашуви

Тадбиркорлик ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 10 ноябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни ЎзЛиДеПнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси С. Турманов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўзининг Сайловолди дастури юзасидан маъруза қилди.

Дастурда кенг қўламли иқтисодий-ижтимоий ислохотларни изчил давом эттириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин олиш, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт даражасини янада оширишга доир стратегик мақсадлар ўз ифодасини топган. Давлатнинг иқтисодиётдаги улушини қайта кўриб чиқиш, ишбилармонлик ҳамда тадбиркорлик учун янада кенг йўл очиб бериш, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш, фермерлик ҳаракатини янги босқичга кўтариш, маҳаллийлаштириш дастурларини изчил давом эттириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти Қорақалпоғистон Республикаси ривожиди ҳамда улкан намоеён бўлмоқда. Улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳару қишлоқлар қиёфаси бутунлай ўзгариб бораётди. Янги завод ва қорхоналар, инфратузилма объектлари, замонавий уй-жойлар барпо этилмоқда.

Маҳаллийлаштириш ҳамда Инвестиция дастурлари доирасида кўлаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилаётди. Кўнгирот сода заводи, дунёдаги энг йирик лойиҳалардан бири — Устюрт газ-кимё мажмуаси мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутмоқда. Сурғил қони негизда бунёд этилган Устюрт газ-кимё мажмуаси Биринчи Президентимиз Ислам Каримов тасдиқлаган мамлакатимиз сано-

тини кенг қўламли модернизация қилиш дастури доирасида амалга оширилди. Бу нефть-кимё соҳасида нафақат Ўзбекистон, балки МДҲ ҳудудидида узоқ муддатли молиялаштириш асосида ҳаётга татбиқ этилган дастлабки кенг қўламли лойиҳадир. Умумий қиймати 4 миллиард долларлик ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши йилга 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобидан 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полипропилен, 83 минг тонна пиропилен, 102 минг тонна пиролиз дистиляти ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Видеоконференция шаклида ўтган учрашувда Нукус шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманлари марказидан сайловчилар иштирок этди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси "Нуруний" жамғармаси раиси Ш. Усонатдинов, меҳнат фахрийси Қ. Камолов, Мўйноқ тумани "Таллузак" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Б. Ўтамбетова, Эллиққалъа тумани фермерлар кенгаши раиси Э. Бобожонов, Амударё тумани «Баркамол авлод» маркази раҳбари Х. Ражабова, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат университети талабаси Г. Султонмуродова, Кўнгирот туманидаги «Қалдирғоч Мавлуда» сайёҳлик фирмаси раҳбари Р. Ембергенова ва бошқалар тинчлик ҳамда барқарорлик самарасида мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланиб, халқимизнинг дунёқарши ва турмуш тарзи изчил юксалиб бораётганини таъкид этди. Президент сайловига тайёргарлик қилиш, уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик талабларга тўла мос равишда ўтаётганини таъкидлади. Сайловчиларни 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига фаол иштирок этишга чақирди.

Ў.А.

Наримон Умаровнинг Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашуви

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашуви 10 ноябрь куни бўлиб ўтди.

Депутатлар, шаҳардаги қорхона ва ташкилотлар ходимлари, маҳаллалар фаоллари, талаба-ёшлар, партия аъзолари ҳамда журналистлардан иборат жами 700 нафардан зиёд сайловчилар иштирок этган учрашувни Республика Гематология ва қон куйиш илмий текшириш институти директори А. Саидов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили — Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ кўлэмалари маркази директори Н. Мухаммедов пойтахтликларни Наримон Умаровнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров ўз Сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлаб, энг аввало, пойтахтимиз бугунги кунда минтақамизнинг юксак тараққий этган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-молиявий ва маънавий-маърифий маркази эканлиги, айниқса, истиқлол йилларида қудратли саноат ва транспорт-коммуникация тармоқлари, замонавий ижтимоий инфратузилмаларни ўзида мужассамлаган йирик мегаполисга айланганлигини эътироф этди.

Номзод "Адолат" социал-демократик партияси мақсад ва вазифалари асосида ишлаб чиқилган ўз дастури орқали халқимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишга қаратилган янги марраларни белгилаш ҳамда уларга эришиш борасидаги сайё-ҳаракатларни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш асосий мақсади эканлигини билдирди.

Учрашувда пойтахт уй-жой бозорида олди-сотида ва ижара муносабатларининг фаоллиги, бу борада турли қонунбузилиш ҳамда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари учраб туриши, қолаверса, кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳолининг коммунал тўловлар билан боғлиқ айрим ижтимоий масалаларнинг

ечими юзасидан дастурий тақлифлар илгари сурилди. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уй-жой сотиб олиш ҳамда қуриш учун ипотека кредитлаш жараёнини такомиллаштириш ва фоизларини оптималлаштириш, уй-жой бозоридидаги фирибгарликлар учун жавобгарликни ҳамда назоратни кучайтириш, уй-жой-коммунал мулкети ишлари янада яхшилаш, аҳоли учун белгиланаётган коммунал тўловлар миқдорини доимий назоратда тутиш, мазкур соҳаларда аҳолига хизмат кўрсатадиган хуқуқий ташкилотлар ўртасидаги рақобатни оширишга қаратилган сайё-ҳаракатларни олиб бориш шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, номзод пойтахтимизда бунёд этилаётган замонавий уй-жойларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишда уларга инновацион, энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш ва муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланишга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати О. Абдуллаева, Тошкент молия институти декани У. Ражабов, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Чилонзор тумани бўлими бошлиғи Г. Муродова, Тошкент шаҳар врачлар малакасини ошириш институти офталмология кафедраси ассистенти Л. Мақсудова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг Сайловолди дастурини қўллаб-қувватлаб сўзга чиқди. Айни чоғда пойтахтимиз аҳолисини шу йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига фаол иштирок этишга ҳамда Президентликка номзод Наримон Умаровга овоз беришга чақирди.

Зиёда АШУРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚОНУН УСТУВОР БЎЛГАН ЖОЙДА АДОЛАТ БЎЛАДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар жорий йилнинг 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарликни янада кучайтирмоқдалар. Зеро, мамлакат Президентини сайлашдек катта ижтимоий-сиёсий воқеадан бирон-бир фуқаро четда қолиши мумкин бўлмаганидек, сайлов ҳар қандай сиёсий партия ҳаёти ва фаолиятида ўта масъулиятли жараёндир. Президент сайлови демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси, халқнинг хоҳиш-иродаси эркин ифодаланиши, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шаклидир.

Мамлакатимиз сиёсий майдонида 21 йилдан буён фаолият юритиб, ўз ғояларини, дастурий мақсад ва вазифаларини амалиётга татбиқ этиб, халқимиз муайян қатламининг сиёсий иродасини, манфаатларини ҳимоя этиб келаётган, ўз электоратига, хайрихоҳларига эга бўлган Ўзбекистон “Адолат” СДП ҳам мазкур муҳим сиёсий тadbирда ўз номзоди билан иштирок этмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича партия ташкилотлари қошида тузилган барча сайлов штаблари томонидан мазкур сиёсий тadbирга қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Сайловолди ташвиқоти яқин кунларда ташкил этиш ва самарали ўтказиш мақсадида партия номзодининг Сайловолди дастурини аҳолининг кенг қатлами орасида тарғиб қилиш ва сайловчиларнинг кўпроқ овозини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар олиб борилаётди.

Шу кунларда партиямиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод ўзининг ҳудудларда сайловчилар билан ўтказиётган бевосита учрашув ва мулоқотлари орқали Сайловолди дастурининг афзалликларини ёритиб беришга ва шу тарих сайловчилар хурматида сазовор бўлишга бор куч-ғайратини сафарбар қилаётди.

Айниқса, номзодимизнинг Сайловолди дастурида илгари сурилган бир қатор халқнинг ғоялар ва ҳаётий устувор масалалар сайловчиларда катта қизиқиш уйғотиб, улар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Хусусан, Наримон Умаров дастури Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат, маънавий ва ахлоқий етуқ, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги дастурий мақсад ва вазифаларига асосланади. Шунингдек, мазкур дастур “**Куч — адолатда!**”, “**Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони**”, “**Адолат — ҳар бир инсон учун**” ҳамда социал-демократиянинг энг муҳим қадриятлари бўлган — ижтимоий адолат, эркинлик, бирдамлик ва имкониятлар тенглиги ғоялари билан суғорилганлиги учун ҳам аҳамиятлидир.

Номзодимиз дастурининг энг муҳим жиҳати — унда адолат ғоясининг устуворлигидир. Чунки адолат ва ҳақиқатга интилиш, адолатли жамият қуриш халқимизнинг асрий орзулари сирасига кирди. Бинобарин, адолат устун бўлган жойда иш юришади, юрдада файзу барақа бўлади, одамларда меҳр-оқибат кучаяди. Адолат бор жойда тараққиёт бўлади, юксак муваффақиятларга эришилади.

“**Адолат — қонун устуворлигида!**” тамойилига таянган ҳолда, қонунчилик ва суд-ҳуқуқ соҳасига доир илгари сурилган вазифалар ҳам Наримон Умаров Сайловолди дастурининг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Жумладан, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳасида “**Адолатли қонунларни қабул қилиш**”, “**Қонун устувор бўлган жойда адолат бўлади**” каби ғояларни ҳаётга кенг жорий этиш, қонун устуворлигини таъминлаш инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг ижтимоий ҳимояси амалда таъминланадиган ҳуқуқий давлат, халқчил, адолатли, эркин жамият, фаровон ҳаёт барпо этишнинг гарови сифатида илгари сурилатгани сайловчиларга манзур бўлмоқда.

Шунингдек, номзодимиз дастурида “**кучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлган жойда қонун ва адолат тамойиллари устувор**”, деб белгиланган. Шу мақсадда суд ҳокимиятининг мустақиллиги, судлар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг барқарорлиги, фаолиятининг очиқлиги ва ҳолислигини таъминлаш, судьяларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнларини янада такомиллаштириш, одил судловнинг нуфузини ошириш, судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш, энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар илгари сурилган.

Шу билан бирга, номзодимиз иқтисодий соҳада республикаимизда олиб борилаётган макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсиш суръатларини давом эттириш, бюджет ҳамда миллий валютаимиз барқарорлигини таъминлаш, банк ва сугурта тизимларини мустаҳкамлаш, четдан қарз олиш масалаларида консерватив ёндашувга асосланиш, давлатнинг ташқи қарзи ҳаддан зиёд ошиб кетмаслигига эришиш борасидаги сиёсатни давом эттириш тарафдоридир.

Бозорни бошқариш, тартибга солиб туриш зарурлиги ҳамда “**Рақобат — мумкин қадар, давлат бошқаруви — зарурат қадар**” тамойилини ҳаётга кенг татбиқ этиш илгари сурилганлиги ҳам номзодимиз дастурида иқтисодий йўналишда белгиланган вазифаларнинг муҳим хусусиятларидан бири саналади.

Қолаверса, номзодимиз мамлакатимиз келажаги — инновацион ривожланиш ва инновацион иқтисодиётда, деб билади ҳамда давлатнинг мувофиқлаштирувчилик фаолияти иқтисодиётнинг барқарор инновацион тараққиётида муҳим роль ўйнаши кераклигини эътироф этади. Чунки, янги технологияларга асосланган иқтисодиёт давлат қудратини оширади, халқимиз фаровонлиги ва жамиятимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, номзодимиз дастурида энг муҳим устувор вазифаларни амалга оширишнинг аниқ механизмлари ҳамда чора-тадбирлари белгилаб қўйилганлиги ҳам унинг ҳаётий-лигини ифодалайди.

Хусусан, дастурда мамлакатимизда замонавий инновацион ва юқори технологияларни жадал ривожлантириш ва кенг жорий қилиш мақсадида махсус комплекс чора-тадбирлар дастурини қабул қилиш режалаштирилган бўлиб, ушбу ҳужжатда, қуйидагилар белгиланиши назарда тутилган:

— инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, шу жумладан, илмий фаолиятни ривожлантириш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;

— инновация ва инновацион инфратузилмаларнинг ягона ваколатли органини таъсис этиш;

— Давлат бюджети, корхона ва ташкилотларнинг молиявий қўйилмалари, ҳомийлик ва хайрия маблағлари ҳисобидан Инновация жамғармасини тузиш;

— иқтисодиёт соҳаларида хусусий бизнес иштирокида унча катта бўлмаган ва қисқа муддатда ўзини оқлайдиган инновацион лойиҳаларни жорий этиш.

Номзодимиз дастурида, шунингдек, экология масалалари ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб, бу соҳани комплекс ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этишга доир аниқ чоралар белгиланган. Мазкур дастурда, хусусан, табиатнинг саноят корхоналари томонидан ифлосланишини камайтириш, чанг ва заҳарли моддаларни кўп ютувчи дов-дарактлар сонини ва турини ошириш, шаҳарлар ва саноят корхоналари атрофида ашил майдонлар барпо этиш, саксовул ва бутазорларни кенгайтириш орқали атроф-муҳит мусавволигини таъминлашга қаратилган аниқ механизмлар белгилаб қўйилган.

Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг ҳудудларда ўтказиётган учрашувларида сайловчилар томонидан йўлланаётган саволлар ҳамда сайлов штабларимизга келиб тушаётган мунозабатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, сайловчилар, айниқса, номзодимиз Сайловолди дастурида илгари сурилган ижтимоий соҳадаги мақсад, вазифалар, ғоя ва тақлифларга илқ муносабат билдириб, уни қўллаб-қувватлашмоқда. Бу борада аҳолининг реал эҳтиёжлари инobatта олингани, ҳудудлардаги мавжуд ижтимоий масалалар ечими юзасидан аниқ тақлифлар илгари сурилганлиги фуқароларимизнинг қизиқишига сабаб бўлаётди.

О. НАБИЕВ,
Учкўрғон тумани “Саноят” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Номзоднинг дастурида ижтимоий масалаларга бирламчи аҳамият қаратилганлиги, айниқса, уларга адолат тамойиллари нуқтаи назаридан ёндашилганлиги менга маъқул келди. Хусусан, таълим, тиббиёт ва бошқа соҳа-

ларни ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ўзининг амалий ечимига эгалиги, ҳаётийлиги ҳамда ҳар бир фуқаро тақдирига дахлдорлиги билан биз, сайловчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Жумладан, номзодимиз дастурида “**Ижтимоий тенглик — тенг ҳуқуқ ва тенг масъулият демокдир**” деган тамойилга таянган ҳолда, фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий тенглиги, ҳар бир фуқаро қобилияти ҳамда малакасидан келиб чиқиб меҳнат қилиши кафолатланадиган, меҳнатининг миқдори ва сифатига яраша муносиб иш ҳақи ва ҳаёт даражасига эришиши учун кенг имкониятлар яратилган ижтимоий давлат қуриш ғояси илгари сурилмоқда. Айниқса, мамлакатимизда тadbиркорлик соҳаси жадаллик билан ривожланаётган, иш билан банд бўлган аҳолининг асосий қисми айнан ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келаётган ҳозирги шароитда иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларда ходимнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш, у билан меҳнат муносабатларини расмийлаштирмагани, ходим меҳнатига ҳақ тўлаш, ижтимоий сугурта қилиш, пенсия таъминоти талабларига риоя қилмагани ва уларни бузганлиги учун иш берувчилар жавобгарлигининг кучайтирилиши билан бирга, жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга доир номзодимиз илгари сураётган тақлифлар сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Ш. НОРОВ,
Навоий қончилик касб-ҳунара коллежи директори:

— Номзод томонидан мазкур соҳада билдирилган тақлифлар узоқни кўзлаши билан эътиборга моликдир. Тўғри, бугун иш берувчи меҳнат шартномасини расмийлаштиришдан ишлатиши, ходим эса тартиқдорда даромад олиб, фаолиятини давом эттиравериши мумкин. Лекин келгусида фуқаро пенсия ёшига етганда, ижтимоий ҳимоядан маҳрум бўлиб қолиши кундек равшан. Шундай экан, Наримон Умаров томонидан илгари сурилган тақлиф меҳнат бозорига иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда узоқ истиқболга мўлжаллангани билан нафақат фуқаролар, балки бутун жамият учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Аҳолининг кенг қатламларида кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтириш, дори воситаларининг ноқонуний айлиниши, қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш, скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғруқ мажмуалари, гинекология ва патронаж хизматлари фаолиятини такомиллаштиришга доир масалалар ҳам аҳолининг кенг қатламига манзур бўлмоқда.

И. АБДУЛҲАКОВ,
Бухоро давлат тиббиёт институти кафедрa мудири:

— Мен тиббиёт соҳаси вакили бўлганим боис аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлаш барча учун жуда муҳимлигини яхши тушунаман. Айниқса, ҳаво ҳарорати пасайиб, қиш-қировли кунларда одамлар орасида турли касалликлар тарқалиши кузатилади. Табиийки, бундай ҳолатда дори воситаларига талаб ошиб, ҳамюртларимиз учун ҳам арзон, ҳам сифатли дори-дармонни топиш мушкул юмушлардан бирига айланади. Шу маънода айтганда, номзоднинг дастурида аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлаш, айниқса, қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш бўйича аниқ механизмлар тақлиф қилинаётгани кўпчиликнинг дилидаги гап бўлди. Чунки инсон саломатлиги ҳамма нарсадан устун.

Шунингдек, **уй-жой сотиб олиш ва қуриш** учун ажратилаётган ипотека кредитлаш жараёнини такомиллаштириш ва фозиларини оптималлаштириш, уй-жой бозоридаги фибрибарликлар учун назорат ва жавобгарликни кучайтириш, **уй-жой-коммунал комплекс** ишони янада

яхшилаш, аҳоли учун белгиланаётган коммунал тўловлар миқдорини доимий назоратда тутиш, бу соҳаларда аҳолига хизмат кўрсатадиган муқобил ташкилотлар ўртасидаги рақобатни ошириш борасида номзодимиз томонидан илгари сурилатган тақлифлар, айниқса, республикаимизнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудлари ҳамда шаҳарларда истикомат қилаётган сайловчилар томонидан тўла маъқулланмоқда.

Н. МАМАДИЕВ,
Қарши тиббиёт коллежи ўқитувчиси:

— Бугун ҳеч кимга сир эмаски, кўпчилик ёш оилалар уй-жой сотиб олиш масаласида бир қатор муаммоларга дуч келмоқда. Наримон Умаровнинг айни масалада илгари сураётган тақлифлари, хусусан, уй-жой сотиб олиш ва қуриш мақсадида олинadиган ипотека кредитини расмийлаштириш тартибини соддалаштириш ва унинг фозиларини камайтириш борасидаги режалари кўпчиликнинг кўнглидаги гап бўлди. Агар номзоднинг бу борадаги тақлифи амалга ошса, биз каби ота-оналарнинг, қолаверса, уй олиш илжинида юрган ёш оилаларнинг мушкул осон кечган бўларди.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ташкил этаётган ёшларнинг қизиқиш ва манфаатлари тўла инobatта олинганлиги ҳамда ушбу йўналишда алоҳида вазифалар белгиланганлиги ҳам Наримон Умаров Сайловолди дастурининг энг муҳим жиҳатларидан биридир.

Унда, хусусан, ёшларни муносиб ҳақ тўланадиган меҳнатга жалб қилиш, коллеж битирувчилари ва ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш юзасидан давлат дастурларининг амалда бажарилгани устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, янги авлод кадрларини тайёрлаш, халқ таълими тизимидаги ислохотларнинг давоми сифатида умумтаълим мактабларида ижтимоий адолат ва тенглик тамойилларининг қарор топишига эришиш, синфлардаги ўқувчилар сонини оптималлаштириш, таълим муассасаларида тиббий хизмат даражасини юксалтириш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг олий таълим билан қамраб олинганлигини босқичма-босқич ошириб бориш, олий таълим муассасаларига қабул қилишдаги квоталар тизимини қайта қўриш, барча талабгорларга олий таълим олиш ҳуқуқини бериш орқали иқтидорли ёшларни танлаб олиш сифатини ошириш, хоржиий олий таълим муассасаларини тамомлаган олий маълумотга эга фуқароларимиз дипломларини нострификациядан ўтказиш тизимини соддалаштириш, масофадан туриб таълим беришнинг замонавий шаклларини жадал суръатлар билан ривожлантириш каби ғоялар мустақил ҳаётга кириб келаётган, сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ёшлар ҳамда уларнинг ота-оналари томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

У. РАҲАБОВ,

Тошкент молия институти факультети декани:

— Ҳар қайси ота-она фарзандининг олий маълумотли бўлишини истайдди, бунинг учун елиб-югуради. Сир эмас, бугунги кунда хориждаги олий таълим муассасаларида тахсис олаётган йиғит-қизларимиз ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Таълим соҳасида ишлаганим учун бундай ёшларнинг ота-оналари менга бир неча марта мурожаат қилишган. Улар фарзандлари хорижда ўқишини тамомлагач, юртимизга қайтиб, шу ерда ишлашини жуда хоҳлашади. Номзод томонидан хорижий олий таълим муассасаларини тамомлаган олий маълумотга эга фуқароларимиз дипломларини нострификациядан ўтказиш тизимини соддалаштириш тақлиф қилинаётгани амалда катта натижа бериши билан аҳамиятлидир. Чунки хорижнинг етакчи олий таълим муассасасини битирган малакали кадр ўз билимини, салоҳиятини бошқа мамлакатлар учун эмас, айнан ўз Ватани равнақи, ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги учун йўналтиради. Бунинг номзоднинг сайловчилар билан учрашувларида сўзга чиққан ота-оналар ҳам алоҳида эътироф этишди.

Кўпчилик сайловчиларнинг фикр ва мулоҳазаларини инobatта олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан номзод Наримон Умаровга овоз беришга чакирамиз!

“Адолат” СДП матбуот хизмати.

АДОЛАТ

ЭРКИНЛИК

БИРДАМЛИК

НАРИМОН УМАРОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!



ИЛМ-ФАН ВА АМАЛИЁТ

Сўнги йилларда юртимизда илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва демократик янгилашида фаннинг ўрни ҳамда аҳамиятини юксалтириш мақсадида изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилаётди. Жумладан, Ўзбекистонда физика соҳаси илмий тадқиқот фаолиятининг устувор йўналишларидан бири саналади.

АНЖУМАН

Бугунги кунда назарий ва экспериментал физика соҳасидаги устувор илмий тадқиқотлар энергетика, энергиянинг қайта тикланувчи манбалари, электроника, фотоника ҳамда усунасозликни ривожлантиришга қаратилган. Маҳаллий ва хорижий илмий марказларда эришилган ютуқларни ўрганиш эса замонавий физика фани ривожининг стратегиясини шакллантиришда алоҳида ўрин тутган.

Бу ҳақда кеча Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида бошланган "Фундаментал ва амалий физика ривожининг янги тенденциялари: муаммолар, ютуқлар, истиқболлар" мавзудаги халқаро симпозиумда сўз борди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида ташкил қилинган ушбу тадбирда 27 мамлакатдан 100 га яқин етакчи олимлар, республикамизнинг 200 нафардан зиёд физик олимлари, турли вазирлик ва идоралар вакиллари, катта илмий ходим-изланувчилар, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этмоқда.

Унда тўрт йўналиш — назарий физика ва астрофизика, экспериментал физика, қайта тикланувчи энергия манбалари ва янги материаллар борасидаги муаммолар, ютуқлар ва истиқболдаги тенденциялар муҳокама қилинмоқда. Шунингдек, жаҳон физикасидаги долзарб фундаментал ҳамда амалий масалалар ҳақида маърузалар тингланиб, ўзаро фикр алмашиш кўзда тутилган.

Халқаро анжуманнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда илм-фаннинг барча йўналиши каби физика ва астрономия соҳасида ҳам ривожланган давлатлар тадқиқотчилари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, замонавий тадқиқотларни кенгайтириш учун катта имкониятлар очилди. Эришилаётган натижалар эса қувонарлидир. 2007 йил октябрда мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор Майдан расадхонасида кўёш тизимидаги янги кичик планета аниқланди. Гарвард кичик планеталар маркази уни 2009 йилда 21027-рақам билан расмийлаштирди. Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг таклифи билан 2010 йилда бу кичик сайёрага "Самарқанд" номи берилди. Ёки Ўзбекистон физикари янги усуллар асосида дунёда биринчи марта йиғилган кўёш энергиясини қўллаб, Келвин градуслари бўйича 110 — 150 даража ҳароратда ўта ўтказувчанлик ҳолатига ўтказилган материалларни олди. 2007 йили олимларимиз қаттиқ қорималар асосидаги истиқболли ярим ўтказгичларни

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Истиқлол йилларида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча жабҳасида бўлгани каби молия-банк тизимида ҳам улкан ислохотлар амалга оширилди. Натижада мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда замонавий инфратузилмага эга бўлган банк тизими яратилди. Бугунги кунга келиб, у иқтисодиётни таркибий янгилаш, юқори технологияли тармоқларни ўзлаштириш, қисқача айтганда, мамлакатни модернизация қилишда муҳим роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 124-моддасида банк тизимини республика Марказий банки бошқариши белгилаб қўйилганлиги ушбу тизимнинг кафолатли ишлашида муҳим аҳамият касб этаётди. Айни мазкур жараёнда амалиётга жорий қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар мамлакатимиз молия-банк тизими маъқеини янада ошириб, айниқса, иқтисодиётнинг етакчи кучи ҳисобланган тадбиркорлик субъектлариға молиявий таянч бўлиш имкониятини кенгайтирди.

Тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, хусусан, хуудларга

шу жумладан, микрокредитлар ажратиш тартиб-тамоийлари янада соддалаштирилгани, тижорат банкларига кредит беришда унинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ ҳаражатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилгани, оилавий бизнес ва хунармандчилик вакилларига, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар имтиёзли шартлар асосида тақдим қилинаётгани кўл келаётди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида тижорат банклари томонидан туман тадбиркорларига жами 15,7 млрд. сўмлик кредитлар берилиб, бу кўрсаткич аввалги йилнинг мазкур давридагига нисбатан 1,3 баробар ортган шундай дейишимизга тўла асос бўлади.

Ажратилган микрокредитлар ҳажми эса 4,8 млрд. сўмга етказилди. Ўз навбатида, оилавий бизнес ва хунармандчиликни ривожлантириш, бошланғич капитал ҳамда ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш мақсадида узоқ ва ўрта муддатли кредитлар бериш тизими қайта қиқилиб, ҳозирги давр талабига мослаштирилиши туфайли уларга бошланғич сармояни шакл-

тасадди ходимлари жойларда, олис хуудларда аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказмоқда. Ўйламанки, банк ва миқоз ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланишида бундай тадбирларнинг аҳамияти катта.

Кўни кеча Республика Марказий банки етакчилигида тижорат банкларининг раҳбарлари туманимизга келиб, тадбиркорлар, ёшлар ҳамда аҳоли билан учрашиб, аҳолининг фикрини ўргангани барчамизни қувонтирди. Ушбу тадбирдан келиб чиқиб, унда қатнашган қишлоқ фуқаролар йиғини раисларининг тақлифлари инобатга олиниб, туманимиз аҳолисиға 2,5 млрд. сўмлик қўшимча кредитлар ажратилди.

Қишлоқ аҳолисининг кайфияти ниҳоятда баланд. Чунки банкларнинг имтиёзлари ҳар бир хонадон учун кўт-баракка

амалга оширишда кўл келмоқда.

Маъмур ХОЛБОЕВ, "Сардоба оқшоғи булоғи" хусусий корхонаси раҳбари:

— Корхонамиз ривожидан банкларнинг кўмаги жуда катта. Гушт ва сут маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйиш мақсадида банкка молиявий ёрдам сўраб мурожаат қилган эдим. Банк ходимлари бизнес лойиҳамни кўриб чиқиб, маъқуллашди ва қисқа муддатда кредит ажратиб беришди.

Кредит олиш борасида ҳеч қандай муаммо бўлгани йўқ. Аксинча, ариза, бизнес-режа ва гаров таъминотини тақдим этдик, холос. Ажратилган маблағ эвазига корхонамизда 5 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Туманимиз банкларида

Банк тизими:

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ ВА ЯҚИН КЎМАКЧИСИ

йўналтирилаётган кредит ресурслари аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим манба бўлиб хизмат қилаётди. Бунинг самараси Сирдарё вилоятининг Сардоба туманида ҳам ўз ифодасини топаётди.

Бугунги кунда юртимиз банк тизимида маблағларни мақсадли йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлариға кредитлар,

лантириш учун 610 млн. сўмликдан ортиқ имтиёзли кредит маблағлари тақдим этилди.

Умуман, кейинги пайтда туман иқтисодиёти равнақида тижорат банклари томонидан ажратилаётган маблағ ва хизматлар кўлами кенгайиб, аҳоли турмуш даражаси тобора фаровонлашиб бораётгани айни ҳақиқат. Буни турли соҳа вакилларининг қуйидаги фикр-мулоҳазалари ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

олиб келиши билан бирга, эртанги кунга бўлган ишончнинг ҳам мустаҳкамламоқда. Масалан, олий ўқув юртиларига шартнома асосида ўқишга қабул қилинганларга таълим кредитлари берилиши эртазим эгалари учун катта имконият бўлмоқда.

Ҳар бир ота-она фарзандининг бахтли бўлишини хоҳлайди. Ўғил-қизларимизнинг бахт тўйлари учун ҳам банкларда тўёна кредити жорий этилгани кишлоғимиз аҳолиси учун катта мадад бўлаётди, десам, муболаға эмас. Шу билан бирга, банкларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан кишлоғимизда хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам анча ривожланди. Савдо дўконларида ҳамма маҳсулотлар мўжайиб. Истасангиз нақд пулда, хоҳласангиз терминал орқали тўлов қилишингиз ҳам мумкин.

Ёшларимизни, айниқса, коллежаларни битирган йигит-қизларни тадбиркорликка йўналтириш, энг муҳими, уларни иш билан таъминлашда ҳам молия муассасаларининг ёрдами катта бўлаётди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда биз, хотин-қизлар учун барча шарт-шароит мавжуд. Айниқса, Биринчи Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони хотин-қизларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашда муҳим аҳамият касб этаётди.

Ҳар бир тадбиркор ўз ишини бошлашда, албатта, сармояга таянади. Бу борада банкларимизнинг туман хотин-қизларига кўрсатаётган амалий ёрдами ниҳоятда катта. Марказий банк томонидан доимий равишда учрашувлар ўтказиб турилади. Яқинда ташкил этилган шундай мулоқот барчамиз учун фойдалани бўлди. Чунки унда тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир ислохотлар мазмун-моҳияти ва аҳамияти батафсил тушунтирилди.

Биз, ишбилармонлар имтиёزلардан оқилона фойдаланиб, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш йўлида хизмат қилаверамиз.

Кўришиб турибдики, кейинги йилларда юртимиз молия-банк тизимида кузатилаётган барқарор ўсиш ва ривожланиш суръатларининг инъикоси Сардоба туманидаги ўзгаришлар, тадбиркорлар фаолиятининг тобора кенгайиб бораётганида яққол акс этмоқда. Зеро, истиқлолнинг дастлабки йилларидан амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ислохотлар, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга қаратилган амалий саъй-ҳаракатлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Марказий банк материаллари асосида тайёрланди.

Барно БОБОЕВА, "Оқдарё сирли жилваси" фермер хўжалиги раҳбари:

— Юртимизда ишончли, барқарор ва кафолатли банк тизимининг самарали фаолият кўрсатаётгани хотин-қизларнинг жамиятдаги фаолигини ошириб, тадбиркорлик билан шуғулланишга кенг имконият яратмоқда. Бугунги кунда иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган аҳолининг 50 фоизга яқинини айнан аёллар ташкил этаётгани кўп нарсани аниқлатади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда биз, хотин-қизлар учун барча шарт-шароит мавжуд. Айниқса, Биринчи Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони хотин-қизларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашда муҳим аҳамият касб этаётди.

Ҳар бир тадбиркор ўз ишини бошлашда, албатта, сармояга таянади. Бу борада банкларимизнинг туман хотин-қизларига кўрсатаётган амалий ёрдами ниҳоятда катта. Марказий банк томонидан доимий равишда учрашувлар ўтказиб турилади. Яқинда ташкил этилган шундай мулоқот барчамиз учун фойдалани бўлди. Чунки унда тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир ислохотлар мазмун-моҳияти ва аҳамияти батафсил тушунтирилди.

Биз, ишбилармонлар имтиёزلардан оқилона фойдаланиб, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш йўлида хизмат қилаверамиз.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- Сўнги 5 йил давомида Сардоба тумани тадбиркорларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 50,9 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.
- Ўтган 5 йил ичида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун 17,6 млрд. сўмлик кредитлар йўналтирилди.
- Охириги 3 йилда касб-хунар коллежлари битирувчиларига 1 млрд. сўмликка яқин кредитлар ажратилди.
- Тадбиркор аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган сармоялар ҳажми ҳам анча юқори: сўнги беш йил мобайнида 3,6 млрд. сўмликдан зиёд кредитлар берилди.
- Сўнги 5 йил давомида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 5,8 млрд. сўм миқдорда кредитлар йўналтирилган.

амалга оширилаётган ишлар мисолида бунга гувоҳ бўлаемиз. Жумладан, жозибдор омонат турлари, ёшларимиз учун тўёна кредитлари, таълим кредитлари, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш учун имтиёзли ипотека кредитлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун кам фоизли кредитлар уларнинг оғирини енгили қилаётти-да.

Деярли барча маҳаллада ташкил этилган кўчма сайёр кассалар коммунал тўловларни

Бу жараёнда тизимни оқилона бошқариб келаётган Марказий банкнинг тугган ўрни бекиёсдир. Чунки кейинги йилларда банклар иш фаолиятини туддан ўзгартириб, унинг му-

Улуғбек ПИРИМҚУЛОВ, Сардоба тумани ҳокимлигининг ҳудудни комплекс ривожлантириш йиғма бўлими бошлиғи:

— Юртимизнинг бошқа хуудларида бўлгани каби Сардоба туманида янгилаш ва ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларининг кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Аҳолимиз осуда ва бахтли ҳаёт кечирмоқда. Бунда тижорат банклари фаолиятини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки кимдир молия муассасалари кўмаги билан оилавий корхона ташкил этаётган бўлса, бошқаси фермер хўжалиги фаолиятини кенгайтириб оляпти. Кечагина касб-хунар коллежини битирган ёш мутахассис эса имтиёзли кредит асосида замонавий корхонани бошқараяпти. Буларнинг барчаси мамлакатимизда молия-банк тизимида амалга оширилган ислохотлар, хусусан, Республика Марказий банки томонидан кўрилаётган аниқ мақсадли чора-тадбирлар самарасидир.

Бошқача айтганда, ҳозир туманимизнинг қайси бир банкига борсангиз, у миқозлар билан гавжум. Бу ерда меҳнат қилаётган ҳар бир ходим тадбиркору аҳолиға ёрдам беришга етакчи олий ўқув юртилари олимлари билан ўқув-устуливи, илмий тадқиқот соҳаларида ҳамкорлик қилмоқда.

Мазкур нуфузли анжуман бугун жаҳон физикасидаги фундаментал ва амалий масалаларни муҳокама қилиш билан бирга, ўзбек физика мактабининг салоҳиятини халқаро миқёсда яна бир бор кенг намоийш этиш имконини беради.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ЭЪЛОН

«KOHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCHJ

2016 йил 26 октябр кuni бўлиб ўтган очик аукцион савдоси натижаси бўйича маълумот.

Жорий йил 26 октябр кuni «Тошкент трамвайи» УКга тегишли бўлган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 3-А» уйда жойлашган, 3-депо бино-иншоотларининг аукцион савдолари бўлиб ўтди.

Бошланғич баҳоси — 34 249 263 185,9 сўм бўлган мазкур кўчмас мулк савдо натижаларига кўра, 35 750 000 000 сўмга сотилди.

Телефонлар:
(0-371) 228-84-48, 228-80-26.

Хизматлар лицензияланган.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 70 896 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақида маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълолар (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Рекама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тозаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ф. Мақомова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исламов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.10 Тошпирилди — 00.35 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси